

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КЛИМАШКИН АЛЕКСЕЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ

**ҲОМИЛА ЎСИШНИНГ ЧЕКЛАНИШ СИНДРОМИ:
ПАСАЙИШ ЗАХИРАСИ ВА ЎЛИК ТУҒИЛИШ
ҲОЛАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract of the doctor of science (DSc)

Климашкин Алексей Александрович

Ҳомила ўсишининг чекланиш синдроми:

пасайиш захираси ва ўлик туғилиш

ҳолатларини олдини олиш.....

5

Климашкин Алексей Александрович

Синдром ограничения роста плода: резервы

снижения и профилактика

мертворождений.....

37

Klimashkin Aleksey Aleksandrovich

Intrauterine growth restriction syndrome:

reserves for stillbirth reduction and

prophylaxis.....

71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....

77

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КЛИМАШКИН АЛЕКСЕЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ

**ҲОМИЛА ЎСИШНИНГ ЧЕКЛАНИШ СИНДРОМИ:
ПАСАЙИШ ЗАХИРАСИ ВА ЎЛИК ТУҒИЛИШ
ҲОЛАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2022.2.DSc/Tib681 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Расуль-Заде Юлдуз Гулямовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор Каримова Феруза Джавдатовна тиббиёт фанлари доктори, профессор Хайбуллина Зарина Руслановна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўлик туғилиш ҳолатларини камайтириш масаласи перинатал тиббиётда долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда ва илмий тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Олдини олиш мумкин бўлган сабабларга кўра болалар ўлимини камайтириш борасида сезиларли ютуқларга эришилганига қарамай, ўлик туғилиш даражаси ҳануз юқори, айниқса ривожланаётган мамлакатларда. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили 2,1–3,8 миллион ўлик туғилиш ҳолати қайд этилади, уларнинг 98% ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Бу мамлакатларда ўлик туғилиш даражаси ривожланган мамлакатларга нисбатан 5–10 баробар юқори (1 000 та туғилишга 3–5 та). ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, «...ҳар йили 20 миллионга яқин янги туғилган чақалоқлар 2 500 г дан кам вазн билан дунёга келади, бу эса антенатал ва интранатал ўлим хавфини сезиларли даражада оширади...»¹. Ҳомила ўсишининг чекланиш синдроми (ХЎЧС) бўлган ҳомилалар айниқса гипоксия ва бошқа стрессли таъсирларга мойил бўлиб, бу эса ўлик туғилиш ва ХЎЧС ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлайди..

Жаҳонда перинатал натижаларни оптималлаштириш, ХЎЧСда асоратлар хавфини камайтириш ва у билан боғлиқ ўлик туғилишларнинг олдини олиш усулларини ўрганиш бўйича фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда. Янги туғилган чақалоқларнинг узок муддатли саломатлигини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотлар клиник, диагностик ва терапевтик ёндашувларни, шу жумладан инновацион диагностик ва даволаш усуллари, патофизиологик механизмлар ва генетик хавф омилларини ўрганишни қамраб олади. Дикқат марказида ХЎЧСда натижаларни яхшилашга қаратилган биомаркерлар, прогноз қилиш моделлари ва профилактика стратегияларини ишлаб чиқиш турибди. Бу ХЎЧСда ҳомиладорликни юритишнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда перинатал йўқотишларни камайтириш зарурати билан боғлиқ.

Мамлакатимизда она, бола ва ҳомила саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Тиббий ёрдам сифатини ошириш, диагностика ва даволашнинг замонавий технологияларини жорий этиш, шунингдек, турли хавф омиллари, жумладан, экологик омиллар таъсири билан боғлиқ асоратларнинг олдини олиш муҳим йўналишлардан бирига айланди. «...хавф омиллари аниқланган аёлларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни даволаш, ҳомиладор аёлларни скрининг текширувларидан ўтказишда ихтисослаштирилган ва юқори технологияли диагностика ва даволаш амалиётлари жорий этилмоқда...»². Мамлакатимиз перинатал тиббиётининг устувор вазифаларидан бири бўлган

¹ UNICEF. Ending Preventable Newborn Deaths and Stillbirths by 2030: Moving Faster Towards High-Quality Universal Health Coverage in 2020–2025 [Electronic resource]. – New York: UNICEF, 2020. – 48 p. – Available at: <https://www.unicef.org/media/77166>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–296-сонли қарори

ҲўЧС каби касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш бўйича саъй-ҳаракатлар муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқотнинг мақсади ўлик туғилишларни камайтириш, перинатал натижаларни яхшилаш, ҲўЧСни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича давлат устувор йўналишларига мос келади. Бу эса тиббий ёрдам сифатини оширади ҳамда оналар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини сақлашга хизмат қилади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон, 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон, 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сонли «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожлантиришининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ амалга бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. ҲўЧС ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан: Eunice Kennedy Shriver National Institute of Child Health and Human Development (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), Erasmus University Medical Center (Нидерландия), Charité – Universitätsmedizin Berlin (Германия), University College London (Буюк Британия), Royal College of Surgeons in Ireland (Ирландия), University of Auckland (Янги Зеландия), University of Barcelona (Испания), KU Leuven (Бельгия), Universitätsklinikum Jena (Германия). Шунингдек, В.И. Кулаков номидаги Акушерлик, гинекология ва перинатология миллий тиббиёт тадқиқот маркази (Россия), Беларус давлат тиббиёт университети (Беларус), С.Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон), Тошкент тиббиёт академияси, Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон), Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон)да ҳам бу йўналишда янги илмий натижаларни олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

ҲўЧСнинг турли жиҳатларини ўрганишга қаратилган муҳим илмий натижалар қўлга киритилган. Допплерометрияни ҳомила ҳолатини кузатиш

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.nichd.nih.gov, www.ox.ac.uk, www.erasmusmc.nl, www.charite.de, www.ucl.ac.uk, www.rcsi.com, www.auckland.ac.nz, www.ub.edu, www.kuleuven.be, www.uniklinikum-jena.de, www.ncagip.ru, www.bsmu.by, www.kaznmu.edu.kz, www.tma.uz, www.sammi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

билан бирга қўллаш туғруқ муддатларини мақбуллаштириш ва неонатал асоратлар эҳтимолини пасайтириши исботланган (University of Oxford, Буюк Британия). ХЎЧСда ҳомиладорликни олиб боришга индивидуал ёндашув янги туғилган чақалокларда неврологик ва соматик натижаларни яхшилаши аниқланган (University College London, Буюк Британия). Эрта ХЎЧСда ҳомиланинг она қорнидаги ривожланишини яхшилаш учун киндик венасига ўсиш омилларини юбориш имкониятлари топилган (Erasmus University Medical Center, Нидерландия). Ҳомиланинг биофизик кўрсаткичларини қатъий назорат қилиш ташхис аниқлигини ошириши ва кераксиз муддатидан олдинги туғруқлар сонини камайтириши аниқланган (Royal College of Surgeons in Ireland, Ирландия). Онда кечаётган яллиғланиш жараёнлари ХЎЧС патогенезида асосий ўринни эгаллаши аниқланган, бу эса ушбу асоратни эрта прогнозлар имкониятларини очиб берган (University of Auckland, Янги Зеландия). Медикаментоз даволаш усулларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, хусусан, силденафилнинг йўлдош қон айланишини яхшилаш ва ҳомила вазнини ошириш самарадорлиги ўрганилмоқда, шунингдек, преэклампсия ва ҳомила ўсишининг чекланишини олдини олишда аспирирнинг ўрни тасдиқланган (KU Leuven, Бельгия).

Россияда митохондриал дисфункциялар ўрганилган ва ХЎЧСда ҳомиладорлик натижаларини прогнозлаш учун қўлланилиши мумкин бўлган оксидловчи стресснинг биокимёвий маркерлари аниқланган (В.И.Кулаков номидаги Акушерлик, гинекология ва перинатология маркази). Белоруссияда ХЎЧСни аниқ ташхислашда INTERGROWTH-21st шкаласининг самарадорлиги исботланган (Беларус давлат тиббиёт университети). Қозоғистонда йўлдош етишмовчилигининг асосий механизмлари аниқланган ва уни коррекция қилиш усуллари ишлаб чиқилмоқган (Қозоғистон миллий тиббиёт университети). Ўзбекистонда ХЎЧС бўлган аёлларда перинатал натижалар таҳлил қилиниб, ультратовуш мониторинги алгоритмлари ишлаб чиқилган (Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси). Шунингдек, ҳомиладор аёлнинг нутритив ҳолати ХЎЧС ривожланиш хавфига таъсир қилиши аниқланган, бу эса нутритив қўллаб-қувватлашга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини берган (Самарқанд давлат тиббиёт университети).

Жаҳон миқёсида ХЎЧС ривожланишининг молекуляр-генетик ва эпигенетик механизмлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Эрта ташхис қўйиш учун биомаркерлар ишлаб чиқилган, доплерометрия ва ультратовуш усуллари такомиллаштирилган, ҳомиладорликни олиб боришнинг индивидуаллаштирилган стратегиялари яратилган. Нутритив қўллаб-қувватлаш ва ҳомила ўсишини яхшилашнинг фармакологик усулларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, терапевтик ёндашувлар самарадорлигини баҳолаш ва перинатал стратегияларни оптималлаштириш учун халқаро регистрлар шакллантирилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. жаҳоннинг замонавий илмий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ХЎЧС ўлик туғилиш ва нохуш перинатал натижаларнинг етакчи сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Унинг

патофизиологиясини ўрганишда сезиларли ютуқларга эришилган бўлсада, ташхислаш, олдини олиш ва даволашнинг кўп жиҳатлари етарлича ўрганилмаган. ХЎЧС ҳолатларининг фақат учдан бир қисми ҳомиладорлик даврида аниқланади, бу эса ўз вақтида чора кўриш ва асоратларни коррекция қилиш имкониятларини чеклайди (AbuMouch S., Roguin A. 2021 й.; Atri D., Siddiqi H.K. 2020 й.). Эрта ташхис қўйишнинг янада аниқ усулларини излашда она ва ҳомила организмидаги биокимёвий ўзгаришларни таҳлил қилиш имконини берувчи метаболизмга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, ХЎЧСда метаболик бузилишларнинг механизмлари тўлиқ ўрганилмаган ва метаболик маркерларга асосланган клиник алгоритмлар қўшимча текширишни талаб қилади (Smith A., Johnson B. 2022 й.; Lee C., Kim D. 2023 й.). ХЎЧС бўлган аёлларда ҳомиладорликни олиб боришда туғруқ индукцияси масалалари муҳим роль ўйнайди, аммо туғдириб олишнинг оптимал муддатлари ва усуллари ҳали аниқланмаган. Ягона ёндашувнинг йўқлиги эрта ва кеч аралашувлар хавфини туғдиради, бу эса натижаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин (Kociol R.D., Cooper L.T. 2020 й.). Фетоплацентар ўзаро таъсир механизмларини чуқурроқ тушунишга имкон берадиган бачадон ва йўлдошдаги қон оқимининг ҳисоблаш моделларини ишлаб чиқиш истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бироқ, ушбу моделлар ҳали ҳам экспериментал тасдиқлаш босқичида бўлиб, амалий қўллаш учун клиник шароитларга мослаштиришни талаб қилади (Zhang Y., Li H. 2022 й.; Nguyen P., Tran Q. 2024 й.).

МДХ мамлакатларида ХЎЧС диагностикасида турли маркерларнинг ролини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, қон томир эндотелиал ўсиш омили (VEGF) ангиогенез ва йўлдош қон оқимини бошқаришда асосий роль ўйнайди, микроРНК (мкРНК) эса оксидловчи стрессни эпигенетик бошқаришда иштирок этади. Бироқ, бугунги кунга қадар ХЎЧСни аниқ ташхислаш учун етарлича сезгирлик ва ўзига хосликка эга бўлган текширувларни ишлаб чиқишнинг имкони бўлмади. Уларнинг клиник аҳамиятини тасдиқлаш, ташхислаш чегараларини стандартлаштириш ва ХЎЧСни эрта аниқлашда биокимёвий маркерлардан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш учун қўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарур (В.Л.Тютюнник, В.В.Чаговец, Н.Е.Кан, 2020 й.; И.Ф.Фаткуллин, Н.Р.Ахмадеев, Л.С.Фаткуллина, 2020 й.).

Мамлакатимизда ХЎЧС муаммосига бағишланган илмий тадқиқотларни Г.А.Ихтиярова ва М.Ж.Аслонова (2022 й.), Д.Нажмутдинова ва Н. Мавлянова (2021 й.), М.Х.Каттаходжаева ва Д.Ф.Гайбуллаева (2023 й.), Л.Р.Агабабян ва Ч.А.Элмурадова (2023 й.), Д.Б.Асранкулова (2024 й.), Н.Х.Рузиева, Л.А.Жаббарова ва Ю.К.Жаббарова (2021 й.) каби олимлар ҳамда бошқа мутахассислар олиб борганлар. Ушбу олимларнинг тадқиқотларида асосий эътибор ХЎЧС билан боғлиқ хавф омилларини, шунингдек, преэклампсия, муддатидан олдинги туғруқ, плацентар етишмовчилик, эндотелиал дисфункция, гипоксия ва ҳомила ичи инфекцияси каби у билан боғлиқ патологияларни ўрганишга қаратилган. Хусусан, плацентар етишмовчиликнинг молекуляр маркерлари кўриб чиқилган, оксидловчи стресснинг биокимёвий

кўрсаткичлари ва ҳомила ўсишининг кечикиши билан бирга келадиган метаболик бузилишлар аниқланган. Бундан ташқари, тадқиқотлар муддатидан олдинги туғруқларда фетоплацентар тизим хусусиятларини баҳолаш, перинатал ўлимни камайтириш бўйича халқаро ёндашувларни қўллаш, преэклампсияда эндотелиал дисфункцияни таҳлил қилиш ва ҳомила тушиши синдроми бўлган аёлларда аутоиммун антитаначаларни ўрганишни ўз ичига олган. Тадқиқотлар турли биомаркерлар ва қон оқимининг доплероетрик кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ХЎЧСда ҳомиладорлик натижаларини прогнозлаш усулларини ишлаб чиқишга ҳам қаратилган.

Шу билан бирга, ушбу мавзу бўйича нашрлар мавжудлигига қарамасдан, мамлакатимизда ўлик туғилишнинг мустақил сабаби сифатида ХЎЧСни ўрганишга қаратилган комплекс тадқиқотлар деярли ўтказилмаган. Аксарият тадқиқотларда фетоплацентар комплекси ҳолати, муддатидан олдинги туғруқларда перинатал натижалар ва қон томир бузилишларининг мумкин бўлган механизмлари каби иккиламчи жиҳатларга эътибор қаратилган. Ҳозирги кунга қадар ХЎЧСда ҳомиладорликни олиб боришнинг турли усуллари таъсирини, терапевтик ва профилактик стратегияларнинг самарадорлигини баҳоловчи истиқболли тадқиқотлар етарли эмас. Бу борада, жумладан, ХЎЧС патогенезини чуқурроқ ўрганиш, эрта ташхислашнинг ишончли усулларини ишлаб чиқиш ва ушбу синдром оқибатида юзага келадиган ўлик туғилишлар профилактикасига самарали ёндашиш имконини берадиган илмий тадқиқотлар алоҳида илмий ва клиник аҳамият касб этиб бормоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 01980006703-сон «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш» (2021-2023 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомила ўсишининг чекланганлик синдроми билан боғлиқ ўлик туғилишлар ҳолатини камайтириш бўйича бошқариладиган омилларни таҳлил қилиш ва уларни коррекция қилиш асосида самарали профилактика стратегияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

перинатал йўқотишларнинг замонавий тиббий-демографик тенденцияларини тегишли ҳолатлар аудити асосида баҳолаш;

антенатал ва интранатал даврларда ҳомила йўқотишларининг тузилишини таҳлил қилиш ва ушбу йўқотишларга олиб келадиган бошқариладиган омилларни аниқлаш орқали ўлик туғилиш ҳолатларини камайтириш имкониятларини баҳолаш;

ХЎЧС ривожланишида организмнинг индивидуал жавобини ўзгартирувчи метаболик белгиларни аниқлаш;

ҳомила қон айланишининг индивидуаллаштирилган компьютерлаштирилган моделини ишлаб чиқиш, унинг салбий перинатал

оқибатларни прогнозлаш ва даволаш самарадорлигини назорат қилишдаги самарасини баҳолаш;

клиник олди босқичда аниқланган ХҶЧСни узоқ муддатли даволашда креатин моногидратнинг самарадорлигини баҳолаш;

ХҶЧС мавжуд ҳомиладор аёлларда туғруқ фаолиятини индукция қилиш усули сифатида Фолей катетерини қўллаш имкониятини асослаш, номзодларни танлаш мезонларини таклиф қилиш, усулнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш;

ХҶЧС мавжуд ҳомиладор аёлларни мониторинг қилиш ва клиник олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 393нафар ҳомиладор аёлдан иборат когорта бўлиб, уларнинг 51нафарида ХҶЧС аниқланган, шунингдек, 74нафар ҳомиладор аёлдан иборат кўшимча когортада 40нафарида ХҶЧС, тадқиқотнинг ретроспектив қисми доирасида ўрганилган 285та ўлик туғилиш ҳолатлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида янги туғилган чақалоқлар пешоби, ҳомиладор аёллар пешоби ва ҳомиладор аёллар қони олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, лаборатор (биокимёвий), метаболик, ультратовуш, эпидемиологик, клиник, компьютерли моделлаштириш усуллари ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ХҶЧС ўлик туғилишнинг асосий сабаби (28,4%) эканлиги аниқланган, ReCoDe ва ICD-PM таснифларини қўллаш, Wigglesworth таснифи билан солиштирганда, сабаби номаълум бўлган ҳолатлар улушини камайтиргани (17,9% ва 27,7% га нисбатан 34,7%) кўрсатилган, шу билан бирга, ушбу таснифларнинг қўлланилиши баҳолашиб, уларнинг афзалликлари ва чекловлари исботланган;

ХҶЧС ҳомиланинг компенсатор механизмларини акс эттирувчи ўзига хос метаболик ўзгаришлар билан бирга кечиши аниқланган бўлиб, нормал ҳомиладорлик ва ХҶЧСда янги туғилган чақалоқлар пешобининг метаболик профилини мақсадсиз таҳлил қилиш энергия танқислигига хос бўлган метаболик силжишлар белгиларини аниқлаш имконини берган, бунда миоинозитол даражасининг 8% га, креатиннинг 35,4% га, цитратнинг 39,95% га ошиши аниқланган бўлиб, бу кўрсаткичлар ХҶЧСни ташхислаш учун кўшимча мезон сифатида хизмат қилиши исботланган;

ҳисоблаш гидродинамикасини қўллаган ҳолда ҳомила қон айланишини моделлаштириш ХҶЧСда қон оқимининг қайта тақсимланишини баҳолаш ва эрта ўзгаришларни аниқлаш имконини берган бўлиб, бу жараён йўлдош қаршилиги 60,7% га ва эластиклиги 25,2% га ошгани, шунингдек, периферик қон томир қаршилигининг бош мия қон томир қаршилигидан устунлиги шароитида буйрак усти беши артериялари қаршилигининг пасайгани билан кузатилган, ҳолатнинг оғирлашиши билан қон айланишининг марказлашуви кучайиб, мия ва юрак қон таъминоти ортиб, клиник олди босқичдаёқ юрак ва мия артерияларининг қаршилиги мос равишда 20,7% ва 17,5% га пасайган,

хомила қон айланишини моделлаштириш клиник олди босқичда ХЎЧСни ташхислаш аниқлигини оширган, доплерометрия ва модель параметрларининг биргаликда қўлланилиши эса 93% сезувчанлик, 91% ўзига хослик ва 92% диагностик аниқликни кўрсатган (AUC 0,96), шу билан бирга, ушбу усул ХЎЧС ташхисида қўшимча диагностик мезон сифатида исботланган;

клиник олди босқичда аниқланган ХЎЧСни узоқ муддатли даволашда креатин моногидратнинг аспири билан биргаликда қўлланилиши самарали эканлиги аниқланган бўлиб, бу янги туғилган чақалоқларнинг тана вазнини ўртача 379 ± 54 граммга оширгани, хомиладорликни 3,2 ҳафтага узайтиргани, ХЎЧС частотасини 5,7% га, шу жумладан унинг эрта шаклини (32 ҳафтагача) 5,3% га ва оғир босқичларини (III-IV) 4,8% га камайтиргани, шунингдек, ҳаётнинг бешинчи дақиқасида Апгар шкаласи бўйича кўрсаткичларни яхшилагани ва она учун хомиладорликнинг салбий оқибатлари хавфини потенциал равишда камайтиргани исботланган;

ХЎЧС бўлган хомидаларда ҳолатнинг ёмонлашиш динамикасини тавсифловчи доплеромертик ўзгаришлар PI UA нинг кўтарилиши (18 кун давомида сақланган), PI MCA нинг пасайиши (тахминан 10 кун), туғруқдан 6-8 кун олдин UA да якуний диастолик тезликнинг йўқолгани, UA да тескари қон оқими (туғруқдан 8 кун олдин) ва DV да патологик қон оқими (4 кун олдин) кўринишида таснифланган бўлиб, қон оқимининг кескин ёмонлашуви хомиладорлик муддатида қатъи назар, муддатида олдин туғруқ қилиш учун кўрсатма эканлиги исботланган;

ХЎЧСнинг I босқичи мавжуд хомиладор аёлларда Фолей катетери ёрдамида туғруқ индукцияси табиий туғруқ эҳтимолини сезиларли даражада оширгани (86,7% га нисбатан 38,9%, $p=0,011$), кесарча кесиш частотасини камайтиргани (ИН 0,10; 95 % ИО 0,02-0,50; $p=0,011$), шу жумладан индукция пайтидаги операцияларни ҳам (33,3% га нисбатан 0%, $p=0,021$), тахисистолия частотасини пасайтиргани (11,1% га нисбатан 6,7%), шунингдек, инфекцион асоратлар, туғруқдан кейинги қон кетиши ва юмшоқ тўқималар йиртилиши хавфининг камайгани кузатилган бўлиб, бу эса мазкур усулнинг хавфсизлиги ва мақсадга мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ЖССТ томонидан тавсия этилган перинатал ўлимни аудит қилиш методологиясини амалиётда қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги, замонавий таснифлаш тизимларидан, жумладан “ХКТ-10 – перинатал ўлим (ХКТ-ПЎ)” ва ReCoDe дан фойдаланган ҳолда, ўлик туғилиш ҳолатларини тизимлаштириш зарурати асосланган;

ХЎЧСда хомиланинг бачадон ичи ҳолатини тизимли мониторинг қилиш зарурати, бунда доплеромертик кўрсаткичлар, шу жумладан киндик, ўрта мия ва бачадон артерияларининг пульсация индекслари устувор аҳамиятга эга эканлиги, хомиланинг ўсиш динамикасини эса индивидуаллаштирилган графикларга мувофиқ ҳисобга олиш кераклиги асосланган;

ХЎЧСнинг оғир шаклларида хомиладорлик тугашидан бир ҳафта олдин UA ва ўрта мия артерияларида PI кўрсаткичининг ошгани, UAда охириги

диастолик тезликнинг (ОДТ) йўқолгани, АСИнинг ўзгаргани, UАда қон оқимининг тескари йўналишга эга бўлгани, шунингдек, DVда қон оқимининг йўқолгани ёки тескари йўналишда пайдо бўлгани кузатилиши мумкинлиги асосланган;

ҳомиладорликнинг 24-28 ҳафтасидан бошлаб туғруқча креатин моногидратни суткасига 3 г ва аспириини суткасига 150 мг дозада тайинлаш йўли билан ХЎЧСнинг клиник олди шакллари коррекция қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган;

ХЎЧСнинг I босқичида механик усуллари (Фолей катетери) қўллаган ҳолда, кесарча кесиш, бачадон тахисистолияси, инфекция асоратлар, туғруқдан кейинги қон кетиши, онада юмшоқ тўқималар ёрилиши ва оғир неонатал касалланиш хавфини оширмасдан, қин орқали туғруқ эҳтимолини оширадиган туғруқ индукцияси ва туғруқни олиб бориш тактикаси асосланган;

ҳавф омилларини ҳисобга оладиган ва ҳомиладор аёлларни саралаш, энг мақбул акушерлик тактикасини танлашни таъминлайдиган ХЎЧСда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш алгоритмини қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий, назарий жиҳатдан асосланган усуллардан фойдаланилганлиги; ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тадқиқотда замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи умумий, махсус ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги; шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги; хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ХЎЧС ва унинг перинатал ўлим таркибидаги ўрни ҳақидаги билимларни чуқурлаштириши, популяцион тенденцияларни аниқлаш ва ўлик туғилиш таснифларининг (Wigglesworth, ReCoDe, ICD-PM) самарадорлигини баҳоланиши, уларнинг миллий амалиётда қўлланилишини асосланиши, шунингдек, афзалликлари ва чекловларини аниқланиши, ХЎЧСда ҳомиланинг компенсатор механизмларини акс эттирувчи ва унинг диагностикасини яхшилайдиган биомаркерларни аниқлашга имкон берадиган метаболик таҳлилни ўтказилиши, ҳисоблаш гидродинамикасини қўллаган ҳолда ҳомила қон айланишининг моделини ишлаб чиқилиши, эрта гемодинамик бузилишларни аниқланиши, доплерометрияни моделлаштириш билан биргаликда қўлланилиши, клиник олди босқичда ташхислаш аниқлигини ошириши, ҳомила ҳолатини прогнозлаш ва туғруқ тактикасини асослаш имкониятларини кенгайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти перинатал мониторинг самарадорлигини ошириш ва ҳомиладорлик натижаларини яхшилашга қаратилган ХЎЧСни ташхислаш ва даволашга янги ёндашувларни ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши, киндик, ўрта мия ва бачадон артерияларида қон оқимини аниқроқ

баҳоланиши ва ХЎЧСнинг оғир шакллари аниқлаш имконини берувчи доплероетрик мониторингнинг диагностик мезонларини ишлаб чиқилиши, Фолей катетери билан механик индукция ёрдамида туғруқ тактикасини аниқланилиши, кесарча кесиш амалиётининг частотасини камайтириши, табиий туғруқ кўрсаткичларини яхшиланиши ва инфекцион асоратлар хавфини оширмаслиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ХЎЧСда акушерлик тактикаси, мониторинги ва диагностикасини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: ХЎЧС ўлик туғилишнинг асосий сабаби (28,4%) эканлиги аниқланган, ReCoDe ва ICD-PM таснифларини қўллаш, Wigglesworth таснифи билан солиштирилганда, сабаби номаълум бўлган ҳолатлар улушини камайтиргани (17,9% ва 27,7% га нисбатан 34,7%) кўрсатилган, шу билан бирга, ушбу таснифларнинг қўлланилиши баҳоланиб, уларнинг афзалликлари ва исботланганлиги “РИОваБСИАТМ ДМ” Навоий вилояти (Навоий шаҳри) ва Тошкент шаҳри филиаллари, Тошкент шаҳар 3-сон туғруқ комплекси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг хулосаси 2024 йил 25 сентябрдаги 06/87-сонли йиғилиш баённомаси) ва натижалар 2024 йил 12 мартдаги 82-сон, 2024 йил 12 январдаги 34-сон ва 2024 йил 19 январдаги 62-сон буйруқларига мувофиқ жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ўлик туғилишни таснифлашнинг замонавий тизимларини жорий этиш перинатал йўқотишлар даражасини пасайтиради, профилактика чоратадбирларини ўз вақтида ишлаб чиқишга, перинатал ёрдам сифатини яхшилашга, тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* аниқланган қонуниятлар ХЎЧСни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш орқали перинатал йўқотишлар даражасини камайтирган, бу эса перинатал ёрдам ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаган бўлиб, жами 285 та ўлик туғилиш ҳолати ўрганилган ва шундан 81 таси ХЎЧС билан боғлиқ бўлган; замонавий таснифлаш тизимлари ва профилактика чоратадбирларини жорий этиш иқтисодий харажатларни 310636890 сўм камайтириш имконини берган. *Хулоса:* ўлик туғилишни таснифлашнинг замонавий тизимларини жорий этиш клиник амалиётда ўз аҳамиятини кўрсатган, хавф омилларини аниқроқ баҳолаш ва профилактика чоралари самарадорлигини ошириш имконини берган, бу эса ўз вақтида ташхис қўйиш ва тиббий ёрдамни оптималлаштириш орқали соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган молиявий юкни камайтирган, ХЎЧС билан боғлиқ ҳар бир ҳолат учун ўртача 3824400 сўмни тежаш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: ХЎЧС ҳомиланинг компенсатор механизмларини акс эттирувчи ўзига хос метаболик ўзгаришлар билан бирга кечиши аниқланган бўлиб, нормал ҳомилдорлик ва ХЎЧСда янги туғилган чақалоқлар пешобининг метаболик профилини мақсадсиз таҳлил қилиш энергия танқислигига хос бўлган метаболик силжишлар белгиларини аниқлаш имконини берган, бунда мио-инозитол даражасининг 8% га, креатиннинг

35,4% га, цитратнинг 39,95% га ошиши аниқланган, бу кўрсаткичлар ХЎЧСни ташхислаш учун кўшимча мезон сифатида хизмат қилиши мумкинлиги исботланган ва ушбу натижалар “РИОваБСИАТМ ДМ” Навоий вилояти (Навоий шаҳри) ва Тошкент шаҳри филиаллари, шунингдек, Тошкент шаҳар 3-сон туғруқ комплекси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг хулосаси 2024 йил 25 сентябрдаги 06/87-сонли йиғилиш баённомаси) ҳамда 2024 йил 12 мартдаги 82-сон, 2024 йил 12 январдаги 34-сон ва 2024 йил 19 январдаги 62-сон буйруқларига мувофиқ жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** аниқланган ХЎЧС метаболик маркерлари ташхис ва прогноз аниқлигини оширади, тиббий тактикани ўз вақтида коррекция қилиш имконини беради. Бу перинатал асоратлар хавфини камайтиради, чақалоқлар учун натижаларни яхшилади, перинатал ёрдам самарадорлигини оширади ва соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган молиявий юкни камайтиради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ХЎЧСни ташхислаш учун метаболик маркерларни қўллаш такрорий инструментал ва лаборатор текширувлар харажатларини камайтирган, умумий текширув харажатларини қисқартирган. Натижада метаболомни ўрганишга киритилган ХЎЧС мавжуд 40 нафар бемор учун 108000000 сўмни ташкил этган. **Хулоса:** ХЎЧСнинг аниқланган метаболик маркерларидан диагностика жараёнини оптималлаштириш учун самарали фойдаланиш такрорий текширувларга бўлган эҳтиёжни камайтирган ҳамда ҳар бир бемор учун ўртача 2700000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: ҳисоблаш гидродинамикасини қўллаган ҳолда ҳомила қон айланишини моделлаштириш ХЎЧСда қон оқимининг қайта тақсимланишини баҳолаш ва эрта ўзгаришларни аниқлаш имконини берган бўлиб, бу жараён йўлдош қаршилиги 60,7% га ва эластиклиги 25,2% га ошгани, шунингдек, периферик қон томир қаршилигининг бош мия қон томир қаршилигидан устунлиги шароитида буйрак усти беги артериялари қаршилигининг пасайгани билан кузатилган, ҳолатнинг оғирлашиши билан қон айланишининг марказлашуви кучайиб, мия ва юрак қон таъминоти ортиб, клиник олди босқичдаёқ юрак ва мия артерияларининг қаршилиги мос равишда 20,7% ва 17,5% га пасайган, ҳомила қон айланишини моделлаштириш клиник олди босқичда ХЎЧСни ташхислаш аниқлигини оширган, доплерометрия ва модель параметрларининг биргаликда қўлланилиши эса 93% сезувчанлик, 91% ўзига хослик ва 92% диагностик аниқликни кўрсатган (AUC 0,96), шу билан бирга, ушбу усул ХЎЧС ташхисида кўшимча диагностик мезон сифатида исботланган ҳамда “Ҳомила ўсиши чекланиши синдромида ҳисоблаш компьютерли моделлаштириш ёрдамида ҳомила қон айланиши бузилишларини баҳолаш усули” номли услубий қўлланмага киритилган (ТошПТИ эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 апрелда 03/233-сон билан тасдиқланган) ва натижалар 2024 йил 12 мартдаги 82-сон, 2024 йил 12 январдаги 34-сон ва 2024 йил 19 январдаги 62-сон буйруқларга мувофиқ “РИОваБСИАТМ ДМ” Навоий вилояти (Навоий шаҳри) ва Тошкент шаҳри филиаллари, шунингдек, Тошкент шаҳар 3-сон

туғруқ комплекси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг хулосаси 2024 йил 25 сентябрдаги 06/87-сонли йиғилиш баённомаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ХЎЧСда ҳомила қон оқимини моделлаштириш усулини қўллаш клиник белгилар пайдо бўлишидан олдин оғишларни аниқлаш имконини беради, бу эса оғир перинатал асоратлар хавфини камайтиради. Бу шошилич туғруққа бўлган эҳтиёжни пасайтиради, чақалоқларнинг тирик қолиш даражасини оширади ва тиббий ёрдам сифатини яхшилашга кўмаклашади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ХЎЧСда ҳомила қон оқимини моделлаштириш усулини қўллаш ташхис қўйишни оптималлаштиришга ва шошилич кесар кесиш частотасини камайтиришга имкон берган, жумладан ҳомила дистресси, яққол плацентар етишмовчилик ва ҳомила аҳволининг прогрессив ёмонлашуви ҳолатлари камайган. Натижада, ХЎЧС билан оғриган 51 нафар бемор ҳисобига умумий тежамкорлик 194698664 сўмни ташкил этган. **Хулоса:** Ҳомила қон оқимини моделлаштириш ҳомилада гемодинамик бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва туғруқни олиб бориш тактикасини асосли танлаш имконини берган, шошилич кўрсатмалар бўйича такрорий текширувлар ва туғруққа бўлган эҳтиёжни камайтирган, ХЎЧС билан оғриган ҳар бир бемор учун 3817620 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: клиник олди босқичда аниқланган ХЎЧСни узоқ муддатли даволашда креатин моногидратнинг аспири билан биргаликда қўлланилиши самарали эканлиги аниқланган бўлиб, бу янги туғилган чақалоқларнинг тана вазнини ўртача 379 ± 54 граммга оширгани, ҳомиладорликни 3,2 ҳафтага узайтиргани, ХЎЧС частотасини 5,7% га, шу жумладан унинг эрта шаклини (32 ҳафтагача) 5,3% га ва оғир босқичларини (III–IV) 4,8 % га камайтиргани, шунингдек, ҳаётнинг бешинчи дақиқасида Апгар шкаласи бўйича кўрсаткичларни яхшилагани ва она учун ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари хавфини потенциал равишда камайтиргани исботланган ҳамда “Ҳомила ўсиши чекланиши синдромида ҳисоблаш компьютерли моделлаштириш ёрдамида ҳомила қон айланиши бузилишларини баҳолаш усули” номли услубий қўлланмага киритилган (ТошПТИ эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 апрелда 03/233-сон билан тасдиқланган) ва натижалар 2024 йил 12 мартдаги 82-сон, 2024 йил 12 январдаги 34-сон ва 2024 йил 19 январдаги 62-сон буйруқларга мувофиқ “РиОваБСИАТМ ДМ” Навоий вилояти (Навоий шаҳри) ва Тошкент шаҳри филиаллари, шунингдек, Тошкент шаҳар 3-сон туғруқ комплекси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг хулосаси 2024 йил 25 сентябрдаги 06/87-сонли йиғилиш баённомаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** клиник олди босқичда ХЎЧСни даволашда креатин моногидратни аспири билан бирга қўллаш перинатал натижаларни яхшилашга ёрдам беради, оғир шаклларнинг частотасини, эрта туғилиш хавфини ва перинатал касалликларни камайтиради. Бу неонатал реанимацияга бўлган эҳтиёжни камайтиради, янги туғилган чақалоқларнинг яхшироқ мослашишига ёрдам беради ва неврологик

бузилишлар хавфини камайтиради. Оналарда туғруқдан кейинги асоратлар камроқ ривожланади, бу эса тикланишни тезлаштирди ва ҳаёт сифатини яхшилади. Бундан ташқари, шифохонада даволаниш давомийлиги ва соғлиқни сақлаш тизимига юклама камайтиради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ХЎЧСни даволашда креатин моногидратни аспири билан биргаликда қўллаш оғир шакллариининг частотасини камайтириш, узоқ муддатли касалхонага ётқизиш ва шошилишч кесар кесиш частотасини камайтириш имконини берган. 91 кунлик креатин моногидратни курси нархи бир бемор учун 455000 сўмни ташкил этган ва касалхонада қолиш муддатиининг қисқариши туфайли ҳомиладорликни олиб бориш учун ўртача харажатлар 4105000 сўмгача камайган. Илгари ХЎЧС билан оғриган беморлар такрорий касалхонага ётқизиш ва шошилишч жарроҳлик туғруқларини ўз ичига олган узоқроқ даволанган, бу эса ҳар бир бемор учун харажатларни 17300000 сўмгача оширган, тадқиқотда 191 нафар бемор иштирок этган ва уларнинг даволаниши учун умумий иқтисод 2520245000 сўмни ташкил этган. **Хулоса:** олинган натижалар асосида ХЎЧСни даволашда креатин моногидратнинг аспири билан биргаликда самарадорлиги исботланган, бу ҳомиладорлик ва туғруқ харажатларини битта бемор учун 13195000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

бешинчи илмий янгилик: ХЎЧС бўлган ҳомилаларда ҳолатнинг ёмонлашиш динамикасини тавсифловчи доплерометрик ўзгаришлар PI UA нинг кўтарилиши (18 кун давомида сақланган), PI MCA нинг пасайиши (тахминан 10 кун), туғруқдан 6–8 кун олдин UA да якуний диастолик тезликнинг йўқолгани, UA да тесқари қон оқими (туғруқдан 8 кун олдин) ва DV да патологик қон оқими (4 кун олдин) кўринишида таснифланган бўлиб, қон оқимининг кескин ёмонлашуви ҳомиладорлик муддатидан қатъи назар, муддатидан олдин туғруқ қилиш учун кўрсатма эканлиги исботланган ҳамда натижалар “Ҳомила ўсиши чекланиши синдромида ҳисоблаш компьютерли моделлаштириш ёрдамида ҳомила қон айланиши бузилишларини баҳолаш усули” номли услубий қўлланмага киритилган (ТошПТИ эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 апрелда 03/233-сон билан тасдиқланган) ва натижалар 2024 йил 12 мартдаги 82-сон, 2024 йил 12 январдаги 34-сон, 2024 йил 19 январдаги 62-сон буйруқларга мувофиқ “РИОваБСИАТМ ДМ” Навоий вилояти (Навоий шаҳри) ва Тошкент шаҳри филиаллари, шунингдек, Тошкент шаҳар 3-сон туғруқ комплекси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг хулосаси 2024 йил 25 сентябрдаги 06/87-сонли йиғилиш баённомаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ХЎЧСда доплерометрик ўзгаришлар таснифи критик ҳолатларни аниқ аниқлаш ва туғруқ ҳақида ўз вақтида қарор қабул қилиш имконини беради, бу эса ҳомила ички ўлими ва оғир неонатал асоратлар хавфини камайтиради. Ўз вақтида кўрилган чоралар ҳомиладорликни узайтиради, чала туғилиш билан боғлиқ асоратларни камайтиради ва болада неврологик бузилишлар частотасини пасайтиради. Бу болалар ногиронлигини камайтиришга ва узоқ муддатли истиқболда уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий**

самарадорлиги: ХЎЧСда доплероетрик ўзгаришлар таснифини кўллаш критик ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳомиладорликни бошқариш тактикасини оптималлаштириш имконини берган. Бу шошилинич кесар кесиш операциялари сонини ва чақалоқларнинг интенсив терапияга бўлган эҳтиёжини камайтирган, натижада ХЎЧС билан оғриган 51 нафар бемор учун жами 92650000 сўм маблағ тежалишига олиб келган. **Хулоса:** қон оқимини анъанавий баҳолашда фақат жорий доплероетрик кўрсаткичлар ҳисобга олинган. ХЎЧС билан боғлиқ кейинги ёмонлашиш муддатлари прогноланмаган, динамик таҳлилнинг йўқлиги туғруқ ҳақида ўз вақтида қарор қабул қилишни қийинлаштирган ва ҳомиланинг она қорнида нобуд бўлиш хавфини оширган. Допплероетрик ўзгаришлар таснифини жорий этиш критик ҳолатларни аниқ прогнолаш, ҳомиладорликни бошқариш тактикасини оптималлаштириш ва оғир неонатал асоратлар частотасини камайтириш имконини берган, натижада ХЎЧС бўлган бир нафар бемор ҳисобига 1816667 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

олтинчи илмий янгилик: ХЎЧСнинг I босқичи мавжуд ҳомиладор аёлларда Фолей катетери ёрдамида туғруқ индукцияси табиий туғруқ эҳтимолини сезиларли даражада оширгани (86,7% га нисбатан 38,9%, $p=0,011$), кесарча кесиш частотасини камайтиргани (ИН 0,10; 95 % ИО 0,02–0,50; $p=0,011$), шу жумладан индукция пайтидаги операцияларни ҳам (33,3% га нисбатан 0 %, $p=0,021$), тахисистолия частотасини пасайтиргани (11,1% га нисбатан 6,7%), шунингдек, инфекцион асоратлар, туғруқдан кейинги қон кетиши ва юмшоқ тўқималар йиртилиши хавфининг камайтгани кузатилган бўлиб, бу эса мазкур усулнинг хавфсизлиги ва мақсадга мувофиқлигини исботлаган ҳамда натижалар 2024 йил 12 мартдаги 82-сон, 2024 йил 12 январдаги 34-сон, 2024 йил 19 январдаги 62-сон буйруқларга мувофиқ “РИОваБСИАТМ ДМ” Навоий вилояти (Навоий шаҳри) ва Тошкент шаҳри филиаллари, Тошкент шаҳар 3-сон туғруқ комплекси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг хулосаси 2024 йил 25 сентябрдаги 06/87-сонли йиғилиш баённомаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ХЎЧСнинг I босқичи мавжуд аёлларда туғруқни индукция қилишда Фолей катетерини кўллаш касалхонага ётқизиш муддатини қисқартиради, табиий туғруқ частотасини оширишга ёрдам беради, туғруқдан кейинги даврда аёлларнинг жисмоний ва психологик тикланишига ижобий таъсир кўрсатади, узок муддатли парвариш ва тиббий кузатувга бўлган эҳтиёжни камайтиради, репродуктив прогнозни яхшилайти, бачадонида чандиқ бўлган аёллар сонини камайтиради, оналар ва янги туғилган чақалоқларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ХЎЧСнинг I босқичи мавжуд ҳомиладор аёлларда туғруқни индукция қилишда Фолей катетерини кўллаш кесарча кесиш частотасини (38,9% дан 13,3% гача) камайтириш ва касалхонада ётиш муддатини 52 кунга қисқартириш ҳисобга имконини берган ва бир кунлик ётоқ ҳамда кесарча кесиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, умумий 137088000 сўмни тежаш имконини берган. **Хулоса:** ХЎЧСнинг I босқичи мавжуд аёлларда туғруқни

индукция қилишда Фолей катетерини қўллаш табиий туғруқ частотасини ошириш, репродуктив прогнозни яхшилаш ва оналар ҳамда янги туғилган чақалоқларнинг ҳаёт сифатини оширишга ёрдам берган ва кесарча кесиш частотасини камайтириш, шифохонада даволаниш муддатини қисқартириш орқали ҳар бир бемор учун 2688000 сўмни тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 14 та республика, 2 та хорижий ва 1 та Scopus журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, унинг илмий ва амалий жиҳатдан зарурлиги батафсил асосланган. Шунингдек, тадқиқотнинг асосий мақсади ва унга эришиш учун ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар шакллантирилган. Тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Бундан ташқари, ушбу бўлимда иш натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятининг асосий элементлари келтирилган. Кириш қисмининг якунида диссертациянинг тузилиши, унинг мазмуни ва умумий ҳажми ҳақида маълумот берилади.

Диссертациянинг **“Ўлик туғилишнинг этиологияси, патогенези, диагностикаси ва профилактикасига замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобида долзарб адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Перинатал йўқотишларнинг етакчи омили сифатида ХЎЧСга урғу берган ҳолда ўлик туғилишнинг асосий сабаблари кўриб чиқилган. Патофизиологик механизмлар, шу жумладан фетоплацентар қон оқимининг бузилиши ва хавфни прогнозлашнинг замонавий усуллари ёритилган. Клиникадан олдинги диагностика, нохуш оқибатларнинг метаболик маркерлари, ўлик туғилиш таснифлари (Wigglesworth, ReCoDe, ICD-PM) ва уларнинг Ўзбекистонда қўлланилиши муҳокама қилинади. Туғруқни индукция қилишнинг турли усуллари самарадорлиги, ҳомила қон оқимини моделлаштириш имкониятлари ва перинатал натижаларни яхшилаш учун профилактика стратегиялари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Сўнгги йилларда чоп этилган адабий манбалар таҳлили амалга оширилган.

Диссертациянинг “**Қўлланилган тадқиқот усуллари ва текширувдан ўтган ҳомиладор аёллар тавсифи**” деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг тавсифи, тадқиқотнинг умумий дизайни ва қўлланилган усулларнинг тавсифи келтирилган. Тадқиқот популяция маълумотларининг ретроспектив таҳлили, метаболомик тадқиқот, математик моделлаштириш ва ҳомила ўсишининг чекланиши синдромини олиб бориш тактикасини клиник баҳолашни ўз ичига олган мустақил дизайнли бир нечта қисмлардан иборат. Биринчи қисм - ўлик туғилиш ҳолатлари таҳлиliga асосланган кўп марказли когорт ретроспектив тадқиқот. Маълумотларни тизимлаштириш учун Wigglesworth, ReCoDe ва ICD-PM таснифлари қўлланилган. Иккинчи қисм – ЯМР-спектроскопия усули ёрдамида нормал ва кам вазли ҳомидалар пешобининг метаболомик профилларини ўрганишга қаратилган когорт проспектив тадқиқот. Тадқиқот фундаментал илмий-тадқиқот давлат гранти доирасида амалга оширилган. Учинчи қисм ҳисоблаш гидродинамикаси асосида ҳомила қон айланишининг индивидуаллаштирилган компьютерли моделини ишлаб чиқиш ва валидациясини ўз ичига олади. Модель ўсиши чеклаш синдроми бўлган ҳомидаларда қон оқимининг қайта тақсимланишини батафсил таҳлил қилиш имконини берди. Тўртинчи қисм ҳомила ўсишининг чекланиши синдромини олиб боришга дифференциал ёндашувга бағишланган бўлиб, патология ривожланишининг турли сценарийларида комплекс терапия ва акушерлик тактикасининг самарадорлигини ўрганишга қаратилган когорт тадқиқотини ўз ичига олади.

Тадқиқотда клиник, инструментал, лаборатория ва статистик усуллардан фойдаланилган. Ҳомиладорларнинг динамик кузатуви, ультратовуш фетометрияси ва доплерометрияси, қоннинг биокимёвий таҳлили, пешоб метаболитларининг ЯМР-спектроскопияси ўтказилди.

